

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ
БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

126 Алкоголли ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркаларини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил
28 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1320-3*

(2011 йил 7 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда) ва «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 230-модда) қонунларининг 6 ва 7-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 мартдаги ПҚ–1084-сон «Агробанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 14-сон, 155-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-сон «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 7-сон, 56-модда) ва 2011 йил 16 февралдаги 33-сон «Алкоголли маҳсулотларга ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркалари жорий этиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 7-8-сон, 57-модда) қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси

ва Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 11 февралдаги 31, 2004-22 ва 03-02/8-14-сон қарори билан тасдиқланган Алкоголли ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркаларини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1320, 2004 йил 3 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 9-сон, 110-модда) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2011 йил 14 март,
23-сон

Р. АЗИМОВ**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2011 йил 14 март,
2011-10-сон

Б. ПАРПИЕВ**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2011 йил 14 март,
01-02/8-3-сон

З. ДУСАНОВ

* Илова рус тилидаги матнда берилган.